



ТЕРГОВ ВА СУДДАН ЯШИРИНИБ ЮРГАН ШАХСЛАРНИ ҚИДИРУВИНИ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ТЕЗКОР ХОДИМЛАРНИ ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ХАМКОРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳамдамов Абдувалли Аҳмедович*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Тезкор-қидирув фаолияти” кафедраси ю.ф.д.профессор,
Маликов Музаффар Абдураулович*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Тезкор-қидирув фаолияти” кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник.
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7816310>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2023

Accepted: 10th April 2023

Online: 11th April 2023

KEY WORDS

Шахсларни қидирувини меъёрий-ҳуқуқий таъминлаш, тергов ва суддан яширинган шахслар, жамоатчилик вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик.

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни қидирувини меъёрий-ҳуқуқий таъминлаш ҳамда тезкор ходимларни жамоатчилик вакиллари билан ўзаро ҳамкорлигининг хусусиятлари кўриб чиқилади.

Адолатли қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш бу ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамият барпо этиш энг муҳим шарт ҳисобланади. ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятнинг муҳим белгиси жамият ҳаётида чинакам қонун устуворлигини таъминлаш ҳар қандай давлат учун, хусусан ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан бораётган Янги Ўзбекистонимиз учун ҳам жуда муҳимдир. Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III-боб, 15-16-моддаларида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар»[1] дейилган.

Шунингдек, республикада амал қилаётган 600 дан ортиқ қонун ва 16 та кодекс ҳаётимизнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади ҳамда кучли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакиллантиришга хизмат қилади[2].

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Тезкор-қидирув фаолияти” кафедраси ю.ф.д.профессор

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Тезкор-қидирув фаолияти” кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник



Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси еттита устивор йўналишдан иборат бўлиб, унинг иккинчи устивор йўналиши “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” – доирасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жихатдан янги босқичга олиб чиқиш, ички ишлар органларининг халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва бошқа бир қатор вазифалар юклатилди[3].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг асосий вазифаларидан бири тергов ва суддан яширинган шахсларни қидиришдир. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида” қонуннинг 4-моддасида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари берилган бўлиб, унда ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни олдини олишда профилактика, жиноий ва бошқа турдаги таъсир чораларини амалга ошириш, шунингдек қидирувда бўлган шахсларни қидириш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириши кўрсатилган.

Қидирувда бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳибсга олиш жуда муҳим, чунки бундай шахслар ноқонуний мавқега эга бўлиб, ўзларининг физиологик эҳтиёжларини қондириш мақсадида оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда давом этмоқда. Бундан ташқари, улар бошқа шахсларни, айниқса, вояга этмаганларни ўзларининг жиноий ҳаракатларига жалб қилишлари мумкин.

Жиноят содир этган шахсни излаш, унинг жойлашган жойини аниқлаш (агар у яширинган бўлса) ва уни айбини исботлаш, жиноятни фош этиш ва тергов қилиш жараёнининг моҳияти ва мақсадини белгилайди. Бироқ, тергов ва суддан яширинган шахсларни қидириб топиш нафақат ички ишлар органларининг, балким барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг муаммоси бўлиб, уларнинг ўзаро таъсири ушбу мақсадлар учун амалга ошириладиган фаолиятнинг мувоффақияти учун жуда муҳимдир. Фан ва техниканинг замонавий ютуқлари, айниқса ахборот технологиялари нуқтаи назаридан ушбу тоифадаги шахсларни қидириш самарадорлигини ошириш учун потенциал имкониятлар бўлиб қолмоқда[4].

Ички ишлар органлари таркибида тергов ва суддан яширинган шахсларни қидириш билан бевосита шуғулланувчи тезкор бўлинмалар алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан қидирувда бўлган шахсларни қидириш соҳасидаги тезкор бўлим ва бўлинмаларнинг фаолиятини тартибга солувчи янги ҳуқуқий муносабатлар вижудга келди. Ушбу Қонун нормаларида ушбу тоифадаги шахсларни қидиришни амалга ошириш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш механизминини такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитларни яратади. Мазкур қонун бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун нормаларини тўлдиради.

Ушбу қонун тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда ўтказиш учун асослардан бири сифатида “тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга



суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиний жазодан бўйин товлаётган шахслар, бедарак йўқолган шахслар ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар, шунингдек топилган таниб олинмаган мурдалар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар эканлиги белгилаб қўйилган. Бинобарин, жиноят содир этган шахсларни қидириб топишнинг жиний-процессуал асослари билан бир қаторда, юқорида кўрсатилган қонунда ўз ифодасини топган тезкор-қидирув асослари ҳам мавжуд.

Ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тергов органларидан ва суддан яширинган, жиний жазодан бўйин товлаётган шахсларни қидириш жараёнида тезкор-қидирув ишларини олиб боради. Ушбу тезкор-қидирув ишларини ташкил этиш жиноят содир этган шахсларни қидиришни ташкил этиш учун мажбурий талаб бўлиб, бир қатор қайд этиш ва ҳисобга қўйишда ҳужжатларини тайёрлашдан иборат. Қидирув ишларини ташкил этиш асослари ва тартиби ички ишлар органларининг идоравий-норматив ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Терговдан яширинган шахсни қидиришда тезкор ходим терговчи ва профилактика инспектори билан ҳамжихатликда, ҳамкорлик амалга оширади.

Ўзаро таъсир қуйидаги шаклларда ифодаланади: ушбу тоифадаги шахсларни қидириш, унинг жойлашган жойини аниқлаш ва ҳибсга олиш чораларини кўриш бўйича тергов-тезкор тадбирларни биргаликда режалаштиришда ифодаланади. Шунингдек терговчилар ички ишлар оргарлари тезкор бўлинмалари ходимларига тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш бўйича кўрсатма ва ёзма топшириқлар беради[5].

«Қонун устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутати. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунуш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ ва нормаларни бузганлиги учун жавобгар бўлади». Яъни, жиноят-процессуал қонунчилигида ёки бошқа процессуал бўлмаган усулда тўғридан-тўғри кўрсатилган процессуал йўл билан олинган (кейинчалик процессуал далил мақомини олиши мумкин бўлган тезкор-қидирув тадбирлари орқали агар улар қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилган бўлса, Жиноят-процессуал кодекс[6] нормаларга мувофиқ текширилгандан ва баҳолангандан сўнг жиноят иши бўйича далиллар сифатида тан олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонунининг нормаларини таҳлил қилиш жараёнида бир қатор моддаларда жиноят содир этган шахсларни қидириш билан боғлиқ қоидалар мавжудлиги аниқланган. Мисол тариқасида, ушбу қонуннинг 11-моддаси 2-қисмида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида ички ишлар органларига фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, фoш этиш,



жиной ишларни тергов қилиш ва жиноятчиларни қидиришда ёрдам беришлари шартлиги белгиланган.

Ушбу қоидаички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ходимларини ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек жамоатчилик ташкилотлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишга қаратади.

Такидлаш жоизки, жамоатчилик иштироки жуда катта аҳамиятга эга, чунки қидирилаётган шахслар аҳоли орасида муайян тарзда яшаб келиши уларнинг манзили тўғрисида маълумотга эга бўлишлари мумкин, бу эса уларни қидириш вақтини ва бошқа ҳаражатларни сезиларли даражада камайтиради. Қидирувда бўлган шахсларни аниқлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш муаммоларини ҳал қилишда жамоатчиликнинг иштирокини рағбатлантириш учун шароит яратилишини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги 15-сонли Қарорига мувофиқ, "фуқаролар томонидан тайёргарлик кўрилаётган ҳамда содир этилиши мумкин бўлган жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар тўғрисида тасдиқланган хабар юзасидан рағбатлантириш чоралари кўрсатилган. Ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда фуқаролар ва жамоат ташкилотлари ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашда фаол иштирок этганликлари учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқланган. Фуқаролар ва жамоатчилик вакиллари ёки ташкилотларини мазкур йўналишда рағбатлантириш учун асос:

- режалаштирилган ёки қасддан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тайёргарлик кўрилаётган жиноят тўғрисида хабар бериш натижасида содир этилишининг олдини олиш;
- қасддан содир этилган жиноятни очиш ва исботлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тўлиқ ёрдам бериш;
- жиноятни очишга ёрдам берадиган далилларни аниқлаш ёки уни содир этган шахслар ёки уларнинг жойлашган жойи тўғрисида маълумот бериш натижасида жиноятни очиш;
- қидирувда бўлган шахслар яширинган жойи тўғрисида маълумот бериш, шунингдек уларни қўлга олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам бериш;
- бедарак йўқолган шахс ҳақида тақдим этилган маълумотлар асосида уни аниқлаш;
- аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашни тарғиб қилиш ва тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этиш;
- жиноят содир этиш сабаблари ва шароитларни бартараф этиш бўйича амалиётга таклиф ва ташаббусларни жорий этиш.

Суддан ва тергов органлари яширинган шахслар доимий яшаш жойларидан анча узоқ масофада яшириниши мумкинлигини ҳисобга олиб, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоатчиликнинг иштироки қидирувда бўлган шахсларни қидириш ва аниқлаш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. С.Н.Есиннинг тадқиқотларига кўра, "тергов органлари ва суддан яширинган шахсларни қидириш амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қидирувдаги шахсларнинг аксарияти (62%) доимий яшаш жойлари ҳамда жиноят содир этилган ҳудудда ушланмаган. Оғир



ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан бу кўрсаткич 84% ни ташкил қилган[7]. Шу билан бирга шуни таъкидлаш жоизки, амалда жиноятчиларни қидириш бўйича ўзаро муносабатлар нуқтаи назаридан асосий эътибор тезкор ходим ва терговчи ўртасида амалга оширилади. Бундай ўзаро таъсир давомида тезкор ходим терговчининг иш хужжатларини ўрганиб чиқиб, терговчи томонидан қўйилган топшириқ вазифаларини чуқур ўрганиб чиқиб, тезкор-қидирув тадбирлари режасини ишлаб чиқади. Шу билан бирга, тезкор ходимлар ушбу топшириқларни тезкор-қидирув ҳаракатларининг мавжуд куч ва воситалардан фойдаланган ҳолда мустақиллик равишда бажарадилар.

Шуни алоҳида такидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 365-моддасида (Қидирув эълон қилиш) “Айбланувчининг турган жойи номаълум бўлганда терговчи унинг турган жойини аниқлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши, зарур ҳолларда эса, унга нисбатан қидирув эълон қилиши шарт. Терговчи фақат айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан қидирув эълон қилишга ҳақли. Қидирув дастлабки тергов ўтказилаётганида ҳам, шунингдек дастлабки тергов тўхтатилганидан кейин ҳам эълон қилиниши мумкин” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунда белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилган тезкор-қидирув тадбирлари натижалари Жиноят-процессуал кодексининг нормаларига мувофиқ келиши текширилади ва баҳолангандан сўнг жиноят иши бўйича далиллар сифатида тан олиниши мумкин. Тезкор-қидирув маълумотлари далил сифатида терговчи ёки прокурор томонидан текширилгандан сўнг процессуал далилга ҳисобланиши мумкин.

Қонуннинг 18-моддаси “Ички ишлар органлари томонидан шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби”га асосан ички ишлар органлари шахсларни ҳибсга олиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қоидаларни назарда тутди. Қидирувда бўлган шахсларга нисбатан экстрадиция қилиш тўғрисида сўров келиб тушган тақдирда белгиланган жойларда сўров юборган ташкилот ёки бошқа давлат хизмат ходим (ушбу давлат ёки хизмат билан келишилган битм ёки келишув мавжуд бўлса)лари келгунга қадар сақланади[8].

Шунингдек ушбу қонуннинг 19-моддаси “Қамоқдан қочган шахсларни ва жиноий жазони ўташдан бўйин товлайётган шахсларни қидиришда ҳудуддаги участкаларни, турар жойларни, иншоотларни ва бошқа объектларни ўраб олиш (тўсиб ушлаш)”[9] га асосан ички ишлар органлари туман, шаҳар ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғининг ва бошқа юқори турувчи раҳбарларнинг оғзаки ёки ёзма қарорига кўра ҳудуддаги участкаларни ўраб олишни (тўсиб қўйишни) амалга ошириш ҳуқуқига эга” Ички ишлар органларининг қидирув фаолиятини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш, ички ишлар органлари тергов ва тезкор бўлинма ходимлари томонидан жиноятларини фош этиш ва очиш, тергов жараёнида жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий асосларини билиш, моҳирона қўллаш жиноятчиликка қарши муваффақиятли курашни амалга ошириш учун катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ва “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” ги қонунлари терговчи ва тезкор



бўлинмаларининг қидирув функциясини бажариш, яширин жиноятчиларни қидиришнинг унли ва айтилмаган усулларида фойдаланиш учун ҳуқуқий асосларни тақдим этади. Буларнинг барчаси жиноятчиларни қидириш фаолиятини такомиллаштириш ва содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш учун ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратади.

Таклиф -

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасида жиноят тушунчаси бирилган. Шунингдек ушбу кодекснинг 15-моддасида жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинган.

Ушбу 15-модданинг 1-қисмида “ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар кириши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 365-моддасида (Қидирув эълон қилиш) “Айбланувчининг турган жойи номаълум бўлганда терговчи унинг турган жойини аниқлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўриши, зарур ҳолларда эса, унга нисбатан қидирув эълон қилиши шарт. Терговчи фақат айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан қидирув эълон қилишга ҳақли. Қидирув дастлабки тергов ўтказилаётганида ҳам, шунингдек дастлабки тергов тўхтатилганидан кейин ҳам эълон қилиниши мумкин” деб кўрсатилган

Бироқ бугунги кунда суд-тергов амалиёти шуни кўрсатмоқдаки шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, уларга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чоралари қўлланилмоқда. Лекин ушбу тоифадаги шахслар ўзи яшаб турган худуддан бошқа жойларга чиқиб кетаётганлиги аниқланган.

Шу боис ушбу эҳтиёт чораси қўлланилган ва ўзи истиқомат қиладиган худуддан ташқарига чиқиб кетиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган тақдирда яқин ИИИларига келтирилиб, суруштирув ёки тергов бўлими ходими билан вазиятга ахборот алмашмагунга қадар қўйиб юбормаслик масаласини кўриб чиқиш ҳамда ЖПКнинг 221-моддаси (нинг 5-қисмини қўшиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жиноят процессуал, тезкор-қидирув қонунчилиги нормаларини билиш ва қўллаш қобилияти жиноят содир этган шахсларни муваффақиятли қидириш учун катта аҳамиятга эга. Жиноят содир этган шахсларни қидириш амалга ошириладиган тезкор-қидирув жараёнининг асосларини билиш, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишда катта амалий аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан тергов ва суддан яширинган шахсларни қидириш бўйича тезкор-тергов тадбирларини ташкил етиш ва тактикасини такомиллаштириш, терговчи ва жамоатчилик вакиллари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш муҳим касб этади, Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида" ги



Қонуни нормаларида, шунингдек ички ишлар вазирлигининг идоравий низомларида белгиланган.

References:

1. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: 2022. [//https://lex.uz/ru/docs/20596](https://lex.uz/ru/docs/20596).
2. Lex.uz “Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги маълумотларининг миллий базаси” излов тизими маълумотлари бўйича.
3. Ш.М.Мирзиёев. “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида”даги ПФ-60-сонли фармони.. Тошкент, 2022
4. Есин С.Н. Криминалистическое обеспечение розыска лиц, скрывшихся от следствия и суда: Автореф. дисс... канд. юрид.наук.- М, 2009.- С.15.
5. Қаранг.: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессул Кодексининг 391-моддаси. Ташкент, «Адолат» нашриёти 2021 йил –501-Б.
6. Статъя 81 УПК дополнена частью третьей Законом Республики Узбекистан от 25 апреля 2016 года № ЗРУ-405 – СЗ РУ, 2016 г., № 17, ст. 173.
7. См.: Есин С.Н. Криминалистическое обеспечение розыска лиц, скрывшихся от следствия и суда: Автореф. дисс... канд. юрид.наук.- М, 2009.-С.21.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун. 2016 й. 407-ЎРҚ.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун. 2012 й. № ЗРУ–344.